

Институт ректорининг байрам табриги

2020 йил 4 март куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Магистратура бўлимининг талаба қизларига “8-март - Халқаро хотин-қизлар куни” байрами ҳамда Юртимизга “Баҳор - янгиланиш ва ёшариш фасли”нинг кириб келганлиги муносабати билан институтимиз ректори, профессор Умурзаков Ўктам Пардаевичнинг байрам табриги Магистратура бўлими бошлиғи, профессор А.Янгиев томонидан етказилди. Бўлим бошлиғи А. Янгиев ректоримиз табригини топшириш жараёнида бугунги кунда нафақат институтимизда, балки Республика, бутун жаҳон миқёсида бўлаётган ўзгаришлар ҳамда хотин-қизлар учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар тўғрисида тўхталиб ўтди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати